

Қадардан шикоят қилманг



07:00 / 12.01.2019 3311

«Кимки Аллоҳга тақво қилса, У Зот унга (ташвишлардан) чиқиш йўлини (пайдо) қилади ва уни ўзи ўйламаган жойдан ризқлантиради. Кимки Аллоҳга таваккул қилса, (Аллоҳнинг) ўзи унга кифоя қилади. Аллоҳ ўзи (хоҳлаган) ишига етувчидир. Аллоҳ барча нарса учун миқдор (меъёр ва муддатни тайин) қилиб қўйгандир» (Талоқ сураси, 2-3-оятлар).

Ушбу оятнинг нозил бўлишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган:

«Авф ибн Молик розияллоҳу анҳунинг ўғли бир жангда душман қўлига асирга тушиб қолади. Шўрлик ота қаттиқ изтиробга тушиб, мўминларга меҳрибон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди. «Душманлар ўғлимизни асир олди. Онаси жуда хавотирди. Нимага буюрасиз?», деб сўради. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга сабр тилаб, **«Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах»**ни кўп айтишлар», дедилар. Ота-она тинмай ушбу калимани айта бошлашди. Аллоҳ таоло ушбу қийинчиликдан кейин уларга енгиллик ато этди. Душман Авф ибн Моликнинг ўғлидан ғафлатда қолди.

Бир неча кундан сўнг ўғил отасининг олдига тўрт минг қўйни ҳайдаб келди. Авф ибн Моликнинг қувончи ичига сиғмай, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига етиб келиб, хушхабарни етказди. Кетаётиб эса, «Ўғлим олиб келган нарсадан есам, менга ҳалол бўладими?»,

деб сўради. соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа», деб жавоб бердилар.

«Солиҳлар гулшани» китобидан